ТАДБИР БАЁННОМАСИ

Умумий маълумотлар:

Европа Иттифоқининг “Марказий Осиё учун Яшил кун тартиби” (Green Agenda for Central Asia) лойиҳаси доирасида “Сувчи” жамоат бирлашмаси томонидан амалга оширилаётган “Engage H2O: Давлат–ҳусусий мулоқотлари орқали Ўзбекистонда Яшил кун тартибини ривожлантириш” грант лойиҳаси асосида 2025 - йил 14 – 19 апрель кунлари Тошкент шаҳрида лойиха тренер-экспертлари ва лойиҳа ходимлари учун “Сувчи” жамоат бирлашмаси томонидан тадбир ташкил этилди.

Қатнашчилар:

- Лойиҳа доирасида жалб этилган тренер-экспертлар
- “Сувчи” жамоат бирлашмаси ходимлари
- Лойиха экспертлари
- Маҳаллий тренерлар (Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидан)
- Халқаро эксперт – **Christian Gessl**
- Бошқа хамкор ташкилот ходимлари

Тадбирни олиб бориш тартиби:

1. Грант лойиҳасининг мақсади ва асосий вазифалари билан таништириш
2. Лойиҳанинг келгусидаги режалари ва устувор йўналишлари муҳокамаси
3. Маҳаллий тренерлар билан тажриба алмашиш
4. Эксперт – **Christian Gessl** томонидан амалий маслаҳатлар бериш

Тадбирнинг бориши:

Тадбирни лойиҳа раҳбари **Т. Мажидов** очиб берди ва барча ташкилий масалалар юқори савияда таъминланганлигини таъкидлади.Тадбир давомида грант лойиҳасининг мақсади, вазифалари ҳамда келгусида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар муҳокама қилинди. Халқаро эксперт **Christian Gessl** иштирокчиларга Яшил кун тартибини амалга ошириш, давлат–ҳусусий мулоқотларини ривожлантириш ва сув ресурсларини самарали бошқариш бўйича амалий маслаҳатлар берди ва семинар-тренингни қандай олиб бориш кераклиги бўйича режалар билан тадбир иштирокчиларини таништирди. Тадбирда лойиха экспертлари ва 5 та вилоятдан ташриф буюрган маҳаллий тренерлар ўз фикр ва таклифларини билдирдилар ҳамда лойиҳа доирасида ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташкилий масалалар:

Тадбир иштирокчилари учун меҳмонхона ва овқатланиш харажатлари грант маблағлари ҳисобидан қопланди.

Қарорлар:

1. Лойиҳа доирасида маҳаллий эксперт ва тренерлар билан ҳамкорликни давом эттириш
2. Яшил кун тартибини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ҳудудларда белгиланган режалар асосида ўтказиш.
3. Тадбир иштирокчилари билан биргаликда кейинги босқич семинар – тренинглар режаларини ишлаб чиқиш.

Баённома тузилди:
19 - апрел. 2025 йил.

Лойиҳа раҳбари: _____ Т. Мажидов

Котиб: _____ Н.Икрамов